



O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ЎТИМОЙ-ЎТИСОДИЙ ГАЗЕТА

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 49-50 (602-603)

2022 йил 8 июль, жума

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

КИМЁ САНОАТИДАГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 июль куни кимё саноатида эришилган асосий кўрсаткичлар ва режалаштирилган лойиҳалар тақдироти билан танишди.

“Ўзимёсанот” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ж.Мирзамаҳмудов Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги қарори асосида тармоқ диверсификация қилиниб, янги маҳсулотлар ўзлаштирилгани ҳақида ахборот берди. Натижада охириги 3 йилда ишлаб чиқариш 1,5 баравар, экспорт эса 2 баравар ошган.

Асосийси, илгари сурункали зарар билан ишлаган бу тармоқ 2021 йилни 1,6 триллион сўм соф фойда билан якунлаган.

Жорий йилнинг олти ойида жамият корхоналари томонидан қарийб 7 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ишлаб чиқариш 11 фоиз ўсган. 218 миллион долларлик товарлар экспорт қилинган.

Иил якунигача ишлаб чиқаришни 14 триллион сўм, экспортни 425 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун иккинчи ярим йилликда 650 минг тонна азотли, 70 минг тонна фосфорли ва 120 минг тонна калийли ўғитлар ҳамда 80 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари тармоқ корхоналари самарадорлигини ошириш

ва уларни трансформация қилиш бўйича тизимли ишлаш кераклигини таъкидлади. Энергияни тежаш ва маҳаллийлаштириш орқали таннархни 6 фоизгача камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақдиротда галдаги истиқболли лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Қайд этилганидек, йил якунига қадар 400 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 9 та лойиҳа ишга туширилади. Жумладан, “Навоийазот” да метилцеллюлоза, техник газ, суяқ минерал ўғитлар, Чирчиқ кимё технопаркида кўпикли полипропилен, органик ўғитлар ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Президентимиз янги лойиҳаларни фақат хусусий инвестициялар иштирокида амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. 5 та кимё кластерида камида 1 миллиард долларлик лойиҳалар портфелини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, акциядорлик жамиятига қарашли корхоналарни хусусийлаштиришни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ВА ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Автотранспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, республикада йўловчи ташиш транспорти тизимини ривожлантириш, ушбу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ишсизликни қисқартириш ҳамда транспорт хизматлари бозорини ривожлантириш мақсадида:

1. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда расмийлаштириш тизими жорий этилсин.

2. Белгилансинки: а) электрон шаклда расмийлаштирилган автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома (кейинги ўринларда – электрон ишончнома) нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди; б) электрон ишончнома расмийлаштирилганлик учун давлат божининг амал қилиш мuddатидан келиб

чиққан ҳолда ишончнома нотариал тасдиқлаш учун ўрнатилган давлат божига нисбатан қуйидаги фоизларда ундирилади:

бир ойгача бўлган мuddатга – 10 фоиз; олти ойгача бўлган мuddатга – 50 фоиз; уч йилгача бўлган мuddатга – 100 фоиз.

в) электрон ишончнома мавжудлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мобил курилмалар орқали текширилади;

г) электрон шаклда расмийлаштирилмаган автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларга нисбатан амалдаги нотариал тасдиқлаш тартиби сақлаб қолинади.

3. Юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқариётган шахсларнинг икки йилда бир марта мажбурий малакасини ошириш талаби бекор қилинсин.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КУНИ КЕЧА ҚУРИЛИШ ВА ИПОТЕКА СОҲАЛАРИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА АРХИТЕКТУРА ЙЎНАЛИШИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИДА

ҚУРИЛИШ, ШАҲАРСОЗЛИК ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎЙИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Маҳалла, туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасида қурилиш ва лойиҳалаш ишларини тартибга солиш бўйича янги тизим жорий қилинади.

➔ Бош ва мастер режаларни ишлаб чиқиш бўйича Республика кенгаши тузилади.

➔ Қурилиш вазирлигида Бош архитектор лавозими киритилади, туман ва шаҳар қурилиш бўлиmlарига архитекторлар раҳбарлик қилади ва улар ҳудуднинг бош архитектори бўлади.

➔ Бош ва мастер режаларни ишлаб чиқиш янги ёндашув асосида 3 та босқичдан иборат бўлади.

Республика кенгаши ҳудуднинг ихтисослашуви, транспорт-логистика, саноат ва хизмат лойиҳаларини жойлаштириш учун ер ва инфратузилмага эҳтиёжи ва чегараларини белгилайдиган Бош схемасини ишлаб чиқади.

Бош схемалар асосида лойиҳа офиси ҳудуднинг Бош режасини ишлаб чиқади. Бунда:

○ Вилоятнинг ихтисослашувига қараб, саноат, хизмат кўрсатиш ва аҳоли яшаш пункти каби зоналарга ажратилади, йўллар ва инфратузилма тармоқлари тақсимланади.

Яқин 5 йиллик

Ўрта 10 йиллик

Узоқ 20 йиллик

муддатларда иқтисодий, ижтимоий ва экологик мезонлар асосида вилоятнинг ривожланиш кўрсаткичлари белгиланади.

Бош режаларга асосан вилоят, туман ва шаҳар бош архитекторлари ва ҳокимнинг биринчи ўринбосарлари ўз ҳудудининг мастер режаларини тасдиқлайди. Бунда:

○ Ажратилган зоналардаги мактаб, боғча, шифохона, уй-жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг жойлашуви кўрсатилади.

Бош схема, Бош режа ва мастер режалар ишлаб чиқиш учун жорий йилда

200 млрд сўм ажратилади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш тизими тўлиқ ўзгартирилади.



Халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳаларга **Техник кенгаш хулосасини** олиш тартиби **бекор қилинади**;



Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари камида **2 бараварга қисқаради** ҳамда халқаро меъёрларга мослаштирилади;



Шаҳарсозлик нормаларидан қурилиш ишларини баҳолаш билан боғлиқ бўлган **147 та норма чиқариб ташланади**;



Халқаро стандартлар асосида **хорижда экспертизадан ўтказилган лойиҳалар** тўғридан-тўғри тан олинади;



Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари **хар 3-4 йилда янгиланади** (амалда 7-8 йил).



“Қурилиш ресурслари классификатори” платформаси ишга туширилиб, **100 мингдан зиёд қурилиш материаллари ва хизматларининг бозор нархи** шакллантирилади.

Ҳокимликлар ҳузуридаги “Ягона буюртмачи” инжиниринг компаниялари фаолияти қайта кўриб чиқилади:

➔ **Келгуси йилдан Ягона буюртмачи компанияларининг:**

лоийҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

янги қурилишлар бўйича техник назорат функциялари аутсорсинг асосида хусусий секторга берилади.

Бундан буён:



Қурилиш вазирлиги, вилоят, туман ва шаҳарлар бош архитекторлари **“генпланлар” ва мастер режалар** устидан;



Қурилиш инспекцияси **қурилишнинг сифати, мuddати ва лойиҳа билан амалдаги ишнинг мослигини назорат қилишга** масъул бўлади.

Шукрулло ЖАҲОНГИРОВ:

“ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТОРЛАРИНИНГ УЙҒОНИШ ДАВРИ КЕЛДИ”

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш вазирлигида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Унда куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, видеоселекторда белгиланган вазифалар қурилиш вазирлиги зиммасига ҳам жуда катта вазифаларни юклайди. Ушбу селектор йиғилиши келажакда бажарилиши лозим бўлган ишлар жуда кўпчилигини кўрсатди.

Бу ҳақда қурилиш вазири ўринбосари Шукрулло Жаҳонгиров маълумот берди.

– Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши изчил ислохотларнинг амалий ифодаси бўлди. Йўлимиз янада кенгроқ очилди. Бу янгиликни анчадан буён кутган эдик. Аввало, бу масаладаги камчиликларни кўрсатиб ўтиб, уларни бартараф этиш, соҳани ривожлантириш бўйича таклиф ва топшириқлар бергани учун Ортбошимиздан миннатдоримиз. Архитектура соҳаси ҳозирги кунга келиб ўзини анча йўқотиб қўйган эди. Президентимиз бекорга бу соҳага эътибор қаратмади. Афсуски, бугун архитектор бўламан, деб ният қилганларнинг ўзи камайиб кетди. Аксарият иқтидорли архитекторларимиз чет элда ҳам ишлашмоқда. Кечаги йиғилишдан кейин улар юртимизга қайтиб, фаолият юритишса ажаб эмас. Давлат раҳбарининг бу эътибори туфайли Ўзбекистон архитекторларининг уйғониш даври келди, десак муболага бўл-

майди. Энди архитектура соҳаси янги босқичга чиқади, деб умид қиламиз.

Кечаги йиғилиш бўйича айтилган бўлсак, биринчи навбатда архитектура соҳасига ўзгача бир йўналиш кирди. Бундан буёғига вазирликда ҳам, вилоятлар ва туманларда ҳам бош архитектор лавозими жорий қилинади. Улар раҳбар вазифасини бажаришади. Бу бизга нима беради? Хабарингиз бор, ҳозирда “бош режа” ва “мастер режа”лар ҳамда Ўзбекистоннинг бош схемаси тузилиши режалаштирилган. Хорижлик мутахассислар келганда бизга биринчи галда “Қани, сизларда бош режа?” деган саволни беришади. Генплан ҳали ишлаб чиқилмаган десак, Ўзбекистоннинг ўша ҳудудида, Ўрта Осиё ва дунё миқёсида тутган ўрнидан бошлаб тадқиқот қилишни бошлашади. Ҳудуднинг ўзига яраша тренди нима, қайси соҳаси ривожланмоқда, қайси соҳалар ортда қолган?

2-бет



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ВА ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

1-бет

4. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб фуқаролар ва йўловчи ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар ўртасида тузилмадан транспорт воситаси ижараси шартномаларини нотариал тасдиқлаш талаби бекор қилинсин ҳамда уларни давлат солиқ хизмати органлари ахборот тизимлари орқали электрон тарзда ҳисобга олиш тизими жорий этилсин.

Давлат солиқ қўмитаси уч ой муддатда мазкур бандга асосан транспорт воситаси ижараси шартномаларини ҳисобга олиш тизимининг ишга туширилишини ҳамда уни Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминласин.

5. 2022 йил 1 сентябрдан 2024 йил охирига қадар шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

йўловчиларни ҳайдовчидан ташқари тўрттадан ортиқ бўлмаган ўриндиқларга эга бўлган энгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритиллади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан йўловчиларни энгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти лицензия варақасига асосан амалга оширилади;

лицензия варақаси беришда автотранспортнинг эксплуатация даврига қўйилган талаб бекор қилинади;

йўловчиларни энгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти билан шугулланганини ўзини ўзи банд қилган шахслар кўйини ўзи банд қилган ташувчилар – ўзини ўзи банд қилган ташувчилар) бир йилда бир маротаба транспорт воситасининг техник куриқдан ўтказиш шарт;

ўзини ўзи банд қилган ташувчилар "Uztrans" ахборот тизими базасига киритилган кўп тармоқли поликлиникалар ва ҳусулий тиббиёт муассасалари орқали бир йилда бир маротаба тиббий куриқдан ўтиши шарт;

йўналишсиз такси фаолияти учун лицензия варақаси берилгани учун давлат божи барча турдаги ташувчилардан йилга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдори-

да ундирилади. Бунда давлат хизматларини кўрсатганлик учун йўналишсиз такси хизмати фаолиятига рухсат берувчи лицензия варақаларида фаолият ҳудуди акс эттирилади;

ўзини ўзи банд қилган ташувчиларнинг автомобиль транспорти том қисмига "ТАХИ" таниш белгили тўқсанчи раангли фонарь ўрнатиллади;

бошқа соҳаларда меҳнат шартномасига асосан банд бўлган шахслар бир вақтнинг ўзида йўловчиларни энгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти билан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда шугулланишлари мумкин.

6. Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев) Транспорт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда йўловчиларни энгил автотранспорт воситаларида ташувчи ва уларга миждолаш излаш бўйича интерактив хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан йўловчи ташишга доир қўнунчилик талаблари бажарилишини назорат қилиш механизмларини назарда тутувчи низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Транспорт вазирлиги (И. Маҳкамов):

уч ой муддатда Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда техник ва тиббий кўрик, сугурта полиси ва лицензия варақаларини расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш мақсадида "Uztrans" ахборот тизимини такомиллаштириш, "Лицензия" ва бошқа ахборот тизимлари билан идораларо интеграциясини кенгайтириш бўйича амалий чоралар кўрсин;

иқтисодиёт ва ҳўрардан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2022 йил 7 июль

Шукрулло ЖАҲОНГИРОВ:

“ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТОРЛАРИНИНГ УЙҒОНИШ ДАВРИ КЕЛДИ”



1-бет

Умуман олиб қараганда, бу соҳани учта асосий йўналишга бўлишди. Булар – атроф-муҳит, иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар. Мана шуларни ўрганган ҳолда ҳудуд республика, вилоят, кейин шаҳар миқёсида ўрганилади. Демак, энди бундан буюғига бош режаларсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Сабаби, Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясини ягона йўналтириш лойиҳасини амалга оширишда барча маълумотларни йиғишга ёрдам беришади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, ҳозирги кунда бош режаларни ишлаб чиқиш ишлари қизғин давом этмоқда. Хусусан, Жаҳон банки билан биргаликда бу ишлар бўйича бир қатор таҳлиллар амалга оширилган. Айни пайтда 18 кишидан иборат мутахассислар Голландияда ўқув-семинарларида иштирок этиб, уларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганишмоқда.

Видеоселекторда айтилганидек, бундан буюғига Қурилиш вазирлиги ҳеч қанақа лоток ёки ҳудуддаги бинони жойлаштириш билан шугулланмайди. Эндиликда бу каби масалалар ўша ҳудудни ўзида ҳал қилинади. Шунингдек, ҳудудларда лойиҳа офислари ташкил қилинади. Лойиҳа офислари бу – ҳокимиятнинг бир нечта йўналишлари, жумладан, қурилиш, туризм, иқтисодий ёт бошқармаларига маҳалла фуқаро-лар йўғини раислари ҳамда уларнинг фаол аъзолари биргаликда барча маълумотларни йиғишга ёрдам беришади.

Яқин кунларда "Менинг маҳаллам" платформаси ҳам ишга туширилади. Бу платформага Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўз хоҳиш-эҳтиёжларини киритиши мумкин. Платформа биринчидан, маҳалланинг ҳолатини кўрсатиб беради, иккинчидан эҳтиёжларни ўрганади. Бу дегани, ишлаб чиқилган бош режада ҳар бир одамнинг талаб ва эҳтиёжлари инобатга олинади. Бунда

давлат стратегияси ва халқ эҳтиёжи бирлаштирилади. Бу эса соҳада янги йўналиш, янги чараш бўлади.

Шунингдек, ўтган беш йил давомида 250 миң хонадонли 8 миңдан ортиқ кўп қаватли уйлар, 21 миңга ортиқ ва хизмат кўрсатиш ҳамда 10,5 миңга ижтимоий соҳа объектлари, 31 миңдан зиёд корхоналар ташкил этилди. Қурилишда рухсат бериш жараёнлари 17 тадан 6 тагача, ер ажратишдан бошлаб, қурилишга рухсат олишгача бўлган муддат 286 кундан 86 кунга қисқарди.

"Шаффоф қурилиш" дастури яратилди, бугунги кунда, тендерда қатнаша оладиган қурилиш корхоналари сони 20 миңга етди. Натижанда, сўнгги беш йилда қурилиш ишлари ҳажми 4 бараварга ошди, 2021 йилда 107 триллион сўмини, жорий йилнинг 5 ойида эса, 46 триллион сўмини ташкил этмоқда.

Лекин, соҳада ҳали ечимини кутаётган масалалар кўп. Булардан бири – лойиҳалаш ва сифат. Ўтган беш йил

давомида шаҳарлар ва туман марказлари Бош режаларини ишлаб чиқиш учун 510 миллиард сўм ажратилган. Бироқ бугунги кунда 163 та туман ва шаҳарнинг Бош режаси ишлаб чиқилиши зарур бўлсада, 83 та туман ва шаҳарнинг Бош режаси ҳалигача яқини етказилмаган. Бир сўз билан айтганда, шаҳарларнинг муқаддам тасдиқланган Бош режалари бугунги кундаги аҳолининг ўсиш динамикаси, саноат ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаси талабларига мос эмас. Умуман, туман ва шаҳарларда архитектура фаолиятига эътибор сусайиб кетгани оқибатида туманларда архитекторлар кам қолгани ҳам ҳақиқат.

Шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш тизими ҳам тўлиқ ўзгарди. Бугунги кунда 357 та шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари мавжуд бўлиб, 60 таси эскирган ва амалиётда фойдаланилмайди. 30 тасидан ортиқ нормалар бир-бирини такрорласа, 10 тасида бир-бирига зид бўлган қоидалар ҳам мавжуд. Масалан, ҳозирда бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича мазмунан бир-бирига ўхшаш 4 та шаҳарсозлик нормаси мавжуд. Ваҳоланки, уларни бирлаштириб, ягона ҳужжат шаклига келтириш мумкин.

Эндиликда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидан қурилишда иш турларини баҳолаш билан боғлиқ 147 та норма чиқариб ташланади. "Қурилиш ресурслари миллий классификатори" платформаси ишга туширилиб, 100 миңдан зиёд қурилиш материаллари ва хизматларнинг электрон рўйхати шакллантирилади. Бунинг ҳисобига объектларнинг қурилиш қиймати реал бозор нархлари асосида шаклланади. Қурилишда лойиҳа ҳужжатларини келиши жараёнлари янада соддалаштирилиши таъкидланди. Архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими ўзгариши ҳақида ҳам бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Бир сўз билан айтганда, шусиз ҳам бугун юртимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутиб, жадал ривожланиб келаётган қурилиш соҳаси янада улкан ўзгаришлар ва янгиликлар оstonасида турибди. Юртимизимиз белгилаб берган чора-тадбирлар ва вазифаларни амалга ошириш эса соҳа мутахассисларидан биргаликда ҳаракат қилиб, битта мақсад сари, яъни, юртимиз бунёдкорлиги йўлида янада кўпроқ ишлашни талаб қилади.

Матбуот анжуманида қатнашган вазирлик бошқарма бошлиқлари ҳам ўз йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ОАВ вакилларига маълумот бердилар.

СОҲАДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН АЁЛЛАР УЧУН СЕМИНАР

Райҳона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорликда соҳада фаолият юритаётган хотин-қизлар учун семинар ташкил этилди.

Унда вазирлик маркази аппарати, ҳудудий бошқармалар, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК ва унинг ҳудудий филиалларида ишлаётган хотин-қизлар қатнашдилар. Семинарда оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, шунингдек, Қурилиш вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, тизим ташкилотларида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси бошланғич ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари кўрилди.

Бугунги кунда Қурилиш вазирлиги ва унинг тасарруфидоғи ташкилотларида 1 100 нафарга яқин хотин-қизлар меҳнат қилмоқда, – деди семинарда Қурилиш вазирлиги аппарат раҳбари Восит Имомов. – Вазирликда



хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш самарали фаолият юритиб келмоқда. Жорий йил 26 майдан бошлаб эса Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг бошланғич ташкилоти фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари, соҳада таълим олаётган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг инти-

ли ва қобилиятларини рўёбга чиқара олишлари учун имкониятларни кенгайтириш мақсадида тизимдаги фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилиб, уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Бугунги кунда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат ва маиший шароитлар яратиш бўйича юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижасини бермоқда. Аёллар ҳар соҳада катта ютуқларни қўлга киритяпти.

Узаро мулоқот шаклида ўтган семинарда жамият ҳаётида аёлларнинг ҳуқуқ ва ўрнини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси Республика Кенгаши бош юридик консулти Лола Нишанованинг "Жамоа шартномаларида аёллар манфаатлари ифодаси" мавзусидаги маърузаси қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Иштирокчилар ўзаро савол-жавоблар қилиб, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Ҳозирги кунда юртимизда аёлларга эътибор ҳар соҳада жуда катта, – деди Фаргона вилояти Қурилиш бош бошқармаси кадрлар ва махсус ишлар бўйича мутахассиси Сайёрахон Исмаилова. – Биргина мисол, аёлларнинг 54 ёшдан пенсияга чиқиши белгиланган, эндиликда Юртимизимиз фармони билан 60 ёшгача ишлаш ҳуқуқи берилди. Бу ҳам аёлларга кўрсатилган эътиборнинг бир ифодаси, деб ўйлайман. Узим қурилиш соҳасида 14 йилдан бери фаолият юритиб келаяман. Бу соҳада ишлаб кам бўлганим йўқ. Биргина Фаргона вилоятини оладиган бўлсак, бунёдкорлик ишлари бўйича ўзларининг лойиҳа ва ташаббуслари билан кўпчиликка ўрнатиб келаётган хотин-қизларимиз кўп. Қурилиш бошқармаси ва унинг ташкилотларида бугун 42 нафар аёллар меҳнат қилади. Бу рақам аввалгига нисбатан икки баробар кўп дегани. Демак, давлат ва жамият ҳаётида аёлларнинг роли тобора ортиб бормоқда.

Шунингдек, тадбирда соҳада самарали меҳнат қилиб, кўпчиликка ибрат бўлиб келаётган фаол хотин-қизлар раёбатлантирилди.

Ижтимоий давлатда: ИЖТИМОЙ КЎЗГУ

Ойгул КАЖАНОВА,
журналист.

Тарихдан маълум, миң йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган уруғ ва қабилаларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги, ўзбек халқининг шажара ҳамда шеваларида ўз аксини топган. Қадимдан Қорақалпоғистон ҳудудида тўртта туркий тилли халқ – ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ ва туркманлар бир-бирига елкадош, қариндош-уруғ, қуда-анда бўлиб яшаб келишган. Уларнинг ўтмиш тарихи, тили, маданияти, урф-одати, диний эътиқоди, турмуш тарзи бир-бирдан фарқ қилмайди. Шунингдек, тил жиҳатдан шеваларнинг ўхшашлиги, икки элат орасида иқтисодий-сиёсий ва маданий алоқа муносабатларида қулай шароит яратиш келаётгани сир эмас.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон дунё ҳамжамияти орасида ўз сўзи ва ўрнига эга бўлгани барчамизга маълум. Ривожланиётган ҳар бир соҳа, тараққиёт сари юз тутаётган ислохот замирида юртимиз келажаги ётади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида Қорақалпоқ диёридаги бугунги ўзгаришлар қувонарли. Президентимизнинг "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари асосида шаҳар-қишлоқлар, чекка овулларгача ҳавас қилгудек ўзгариб, ривож топмоқда. Шунингдек, республика иқтисодиётини тиклашга инвестиция ва технологияларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган чоралар ҳам қорақалпоқ халқининг ёрқин истикболи учундир.

Мана шундай дорилонем замонда бирдангина қорақалпоқ халқидаги но-

розилик талатўпга айланиб, аҳил-иноқ халқнинг иноқлиги кимнингдир ич-этини емирдимми? "Янги Ўзбекистон" атамаси билан ривожланиётган, Учинчи ренессанс пойдеворини қураётган бир маҳалда ёт таъсирларнинг мамлакат истикболига зиён етказиш мақсадидаги ножоиз таъсир кучимикан бу? Бир ривоятда айтишларича, қора ва сариқ чумолилар бир идишга солиб қўйилганда улар ўзаро адоватлашмай, тинч-тотув яшаётган экан. Бироқ кимдир ғайирлик қилиб, идишни бир-икки силкигач, аралашиб кетган чумолилар "силкиниш"да бир-бирини айбдор деб ўйлаб, ганимликни бошлашибди. Аёл душман эса идишни силкигачлар экани уларнинг хаёлларига ҳам келмабди.

Ҳамонки, лоқайд эканмиз, демак, бу миллатимизнинг ривожланиши, жипслашиши учун тўсиқ бўлувчи иллат таъсиридир. Келажақ авлод учун ижтимоий давлат қураамиз, Янги Ўзбекистоннинг маънавий киёфасини дунё узра танитамиз, деган мақсадда жамиятда ижтимоий кўзгу деган тушунчани англомоғимиз зарур. Зеро, кўзгуга боққан инсон аввал, ўзининг киёфасини кўради. Ютуқлари баробарида камчилигини ҳам билмоқ, нур устига нурдир.

Маълумки, сўнгги йилларда давлат сиёсати халқ манфаатлари учун тамоийли остида юритилмоқда. Маърифат-парварлик, инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқарони бахтли, билимли, илмий салоҳиятли қилиш каби устувор омилларига таянган. Президентимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарор, фармонлар эса ижтимоий давлат барпо этишда мустақкам ҳуқуқий пойдевордир. Шундай экан, ҳар бир ўзбекнинг юраги – ўз юртини ҳимоя қилишга, ёт таъсирлардан қўриқлашга, "Она Ватаним" дея қалибдаги меҳр ила уруши!



Жиззах вилояти

Фориш маҳсулотлари дунё эътиборида

Фозилжон ҚОСИМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хар бир инвестор бирор ҳудудга сармоя киритиш учун у ердаги шароитни ўрганиб чиқади. Бу борадаги имкониятлари юқори ҳисобланган Жиззахда чет эл инвестициялари иштирокида, ишлаб чиқаришнинг бир нечта тармоқларида йирик экспортёр корхоналар фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Фориш тумани қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи бўйича кўпплаб янги лойиҳалар амалга оширилган ҳудудга айланган. Туманининг Эгизбулоқ маҳалласи ҳудудда жойлашган базальт хомашёсидан турли қурилиш материаллари ишлаб чиқараётган санаот ҳудуди.

Бугунги кунда Халқаро иқтисодчилар ва материологларнинг фикрича, дунёда темир захиралари камайиб бораётгани сабабли унинг ўрнини базальт эгалламоқда. Базальт – юқори сифатли маҳсулот ҳисобланган инновацион қурилиш материалдир. Форишда 2017 йилдан фаолият бошлаган "Мега инвест индустриал" қўшма корхонасида базальт тоши қайта ишланиб, базальт толаси ва арматура ишлаб чиқарилмоқда. Тўлиқ маҳаллийлаштирилган хомашё ёрдамида ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулот дунё бозорига анча харидоригир. Истиқболли бу лойиҳанинг Форишда амалга оширилаётгани нафақат туман ва вилоят, балки республика иқтисодийнинг ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бир пайтлар бу ҳудуд чорвачиликка ихтисослашган ерлар бўлганди, бугун эса бундай ерлар катта шаҳарча пайдо бўлди. Маҳсулотларимиз рақобатбардос, – деди корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Хайрулла Рўзибоев.

Корхонада иш жараёни Европа стандартлари асосида ташкил қилинган. Сон эмас, сифатга эътибор катта. Бу экспорт учун жуда муҳим. Лойиҳанинг умумий қиймати 207 млрд сўм бўлиб, қўшма корхонада ишлаб чиқариш 3 боқичда белгиланган. Айни дамда 300 нафардан зиёд ходимлар иш билан таъминланган. 2020 йилда Россия Федерацияси тадбиркорлари билан шартномалар имзоланиб, 52 минг АҚШ долларлик, 2021 йилда эса умумий қиймати 853 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспортга йўналтирилди. Жорий йилнинг шу кунигача умумий қиймати 244 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспортга йўналтирилди. Ушбу кўрсаткичи йил якунигача 1 млн АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Айтганча, тез орада хорижий ҳамкорлар сафига Италия, Франция каби давлатлар

қўшилиши кўзда тутилган. Эгизбулоқ маҳалласида 4 та корхона ишга туширилиб, 572 та янги иш ўрни яратилди. Утган йили яна бир лойиҳага қўл урилди. Умумий қиймати 1 трлн 712 млрд сўм бўлган базальт толаси ва ундан турли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Базальт термо" қўшма корхонаси фаолият бошлади. Айни пайтда умумий қиймати 130 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотлар Россияга экспорт қилинди.

– Бу корхонага тамал тоши қўйилганидан буён шу ердан. Маҳсулотга бўлган талаб ортиб бораётгани учун ишлаб чиқариш қамровини кенгайтиряпмиз, – деди қўшма корхона директори Комилжон Силлиев.

Мазкур корхона кунлик 5 тонна базальт тоши қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, Германия ва Швейцария технологиялари билан жиҳозланган. Тош майдаланиб, сараланиб, махсус бункерга жойланади ва 1 500 даража иссиқда эритилиб, базальт тошидан соч толаси қалинлигидан 5-6 баробар ингичка тола олинади. Уларни кўз билан илгаш қийин. 222 та шундай тола бирлаштирилиб, комплекс тола – рофинг олинади. 4 боқичдан ўтиб, қайта ишлашга тайёр ҳолга келган толадан арматура, геосетка каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Эндиги навбат тошдан қурилишда фойдаланиладиган бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. "Базальт воол" корхонаси айнан шу мақсадда бу лойиҳанинг Форишда амалга оширилаётгани нафақат туман ва вилоят, балки республика иқтисодийнинг ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Форишда базальт тошдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар ҳали давом этади. Жумладан, ҳозирда қурилиш ишлари олиб борилаётган, умумий қиймати 614 млрд сўм бўлган базальтдан композит қувурлар ишлаб чиқариш, умумий қиймати 1 трлн 735,5 млрд сўм бўлган базальт тошидан минерал плиталар ишлаб чиқариш, умумий қиймати 716 млрд сўм бўлган диабаз толасидан геосетка ва геотекстил ишлаб чиқариш, умумий қиймати 766,2 млрд сўм бўлган узлуксиз базальт толаси ишлаб чиқариш ҳамда умумий қиймати 812,8 млрд сўм бўлган базальт толаси ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилиши натижасида туманда 800 нафарга яқин иш ўрни яратилади.

Самарқанд вилояти

Йўлсозликда катта силжиш

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сайқали рўйи замин Самарқандда азалдан дунёнинг савдо, иқтисодий, маданий, дўстона алоқаларини боғловчи йўллари туташган. Шаҳар Буюк ипак йўли ўтган Урта Осиёнинг йирик маданий, савдо-сотиқ ва хунармандчилик марказларидан бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мағриб Машриқдан чиққан қарвонлар бу ерга келиб тин олишган, амалларини бажаришган. Тоғу тахт учун жанглар, боқинчилик юришлари, ўзаро феодал урушларига қарамасдан янги йўллар, қарвонсаройлар, кўприклар, бекатлар қурилиши давом этган.

Соҳибқирон Амир Темури кўхна кентни пойтахт қилганидан сўнг, айниқса йўллар барпо этишга катта эътибор қаратилганига тарихда мисоллар жуда кўп. Йўллар атрофи ҳамша озода сақланиб, яшилликка бурканган, боғроғлар яратилган. Муҳими, ҳар бир шаҳар, туман овулдан ўтган йўллардан фойдаланишда тартибли, хавф-хатарсиз қатнов таъминланган ва унга ўша жойдаги амалдорлар масъул бўлишган. Асрлар ўтиши билан бу йўлларнинг халқ ҳужалигидаги аҳамияти ошиб бораверди. Эндиликда янги автомо-



бил йўллари қурилишига, таъмирлашга, кўприклар, сел ўтказгичлар барпо этишга эҳтиёж сезилди. Республикада мустақилликка эришган, бу борада том маънодаги ўзгаришлар амалга оширилди бошланди. Йўлсозлик ва ундан фойдаланиш тартибий жиҳатдан мутлақо янгиланиб, замонавий техникалар, машина-механизмлар келтирилиб, моддий-техник база мустаҳкамланди, малакали кадрлар тайёрлаш чоралари қўрилди. Самарқандда айни пайтда йўл ҳужалигини бошқариш, янги автомагистрал-

лар, кўчалар қуриш, таъмирлаш билан вилоят йўллардан фойдаланиш бош бошқармаси шугулланиб, катта юмушларни бажараётгани диққатга сазовор. Нафақат шаҳар, балки туманлар, олис қишлоқларни боғловчи йўллар ободонлашмоқда, раванлашмоқда. Транспорт қатновининг хавф-хатарсиз бўлиши таъминланмоқда.

Халқаро аҳамиятдаги "Алмата-Тошкент-Самарқанд-Навоий-Бухоро-Нукус", "Тошкент-Самарқанд-Термиз-Афғонистон" йўналишидаги трассаларда рўёбга чиқарилган юмушлар билан ҳар қанча фахрланиш мумкин. Уларнинг транспорт ўтказиш қобилияти, инфратузилмаси тубдан ўзгараётганлиги, айниқса мақтовга сазовор. Бугун бу йўллардан Россия, Хитой, Қўшни давлатларга, Эрон, Туркия, ҳулласи, жаҳонга турли хил халқ ҳўжалиги юклари, йўловчилар ташилаётгани самарқандлик йўлчилар масъулиятини оширяпти.

– Ҳозирги кунда вилоятимиз ҳудудидан ўтган халқаро аҳамиятдаги 339 километр, давлат аҳамиятидаги 1 110 километр, вилоят аҳамиятидаги 1 287 километр йўллар мавжуд. Шунингдек маҳаллий аҳамиятдаги 1 392 километр ички йўлларимиз бор, – деди вилоят йўллардан фойдаланиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Акбар Мирзаев. – Дарё, каналлар, ариқлар

устидан қурилган кўприклар 600 тадан зиёд. Йўллар текислиги ва ўтказиш даражасини таъминлашда ер остидан ўрнатилган қувурлар ҳам анчагина. Шунинг билан айтиш мумкинки, ишчи-хизматчиларимиз шу ноёб қурилмаларни сақлаш, фойдаланиш даражасини узайтиришдек вазифани сидқидилдан бажариб келишяпти. Бунинг устига йўлларни капитал таъмирлаш, кўприклар яратишда ҳам улар жонбозлик кўрсатишмоқда. Булуғур, Оқдарё, Самарқанд, Каттакўрғон, Нуробод, Жомбой туманлари йўл ҳўжаликлари йўлсозларининг меҳнатлари таҳсинга лойиқ.

Айтиш жоизки, кейинги пайтда Самарқандга қизиқувчи, уни зиёрат қилишга интилувчи сайёҳлар, айниқса хорижий меҳмонларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Буни ҳисобга олган давлатимиз раҳбари вилоятда туризм хизматини кенгайтиришга жиддий аҳамият қаратаётган. Тарихий обидалар кўркам кўриниш касб этмоқда. Янги меҳмонхоналар, туристик марказлар очилмоқда. Шу билан бир қаторда йўлларни кенгайтириш, янгилашга ҳам эътибор ошгани айни мuddаодир. Шу кунларда эса йўлсозларнинг қўли-қўлига тегмаёпти, десак мутлақо муболага бўлмас. Шаҳарнинг асосий кўчалари бутунлай қайта таъмирланиб, замонавий манзара касб этмоқда. Улар атрофини ободонлаштириш, ариқларни тартибга келтириш, яшил майдонлар ташкил этиш, сархил дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш, ҳулласи кўзни қамаштирадиган даражада кўркам қиёфага киритиш учун барча чора-тадбирлар қўрилаётганлиги қувончлидир. Ҳозиргача режадаги 95,4 километр автомобиль йўлининг 58,4 километрида таъмирлаш ишлари тўла якунида. Жумладан, 19 километр умумий фойдаланишдаги ва шаҳар ичарисидидаги 40 километр йўл фойдаланишга топширилди. Шунга яраша кўприк, йўл ўтказгич, тоннеллар қурилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳа, самарқандлик йўлсозлар жорий мавсумда фаолиятларини чинакам авж олдиришган. Улар йил охиригача 340 километрдаги, 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурга асосан эса 1 370 километр йўлда таъмирлаш ишларини тугатишга астойдил бел боғлашган.



Қашқадарё вилояти

Кўкдала туманида "Янги Ўзбекистон" массиви барпо этилади

Шухрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Янги ташкил этилган Кўкдала туманини яратиш ғояси Президентимизнинг сайловолди дастуридан ўрин олган эди. Олий Мажлис Сенатининг шу йил 17 мартдаги қарорига мувофиқ, аҳолига қўлайликлар яратиш ҳамда урбанизация жараёнларини тартибга солиш мақсадида Чироқчи туманининг бир қисмида Кўкдала тумани ташкил этилди.

Туман ҳудуди 171 минг гектар бўлиб, 32 та маҳалладан иборат. Лойиҳага кўра, туман маркази Еттитом шаҳарчасида туман ҳокимлиги ва маҳаллий идоралар учун бинолар, "Янги Ўзбекистон" массиви, боғча ва мактаблар, поликлиника, истироҳат боғи, халқаро аҳамиятдаги йўл бўйида хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари барпо этилади.

Шунингдек, 159 километр йўл таъмирланиб, 50 километр ичимлик суви, 80 километр электр тармоқлари қурилади. Шунингдек, янги барпо этиладиган биноларни энергия тежамкор қилиб қуриш, уйлар тепасига қуёш энергияси панеллари ўрнатиш ҳам белгиланган.

Фаргона вилояти

70 ГЕКТАР МАЙДОНДА ЭКО ШАҲАР ҚУРИЛМОҚДА



Фаргона шаҳридаги "Янги Ўзбекистон боғи"нинг лойиҳа сурати.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Фаргона шаҳрида кейинги йилларда олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар кўзда ташланиб бормоқда.

Фаргоналиклар шу кунларда яна бир ташаббус билан чиқиб, шаҳар ҳудудидан энг мусоффо иқлимли 70 гектар майдонда ҳеч жойда тақрорланмаган замонавий лойиҳа асосида эко шаҳар бунёд этишга киришишган.

Таъкидлаш жоиз, мазкур ҳудуд тажрибали муҳандислар, лойиҳачилар ҳамда фуқароларнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб танланган. Бу ерда турар жойлар қурилиши, ободонлаштириш ишлари, муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш ҳамда "Янги Ўзбекистон боғи" қурилиши учун 6 трлн 131 млрд сўм маблағ сарфлангани режалаштирилган.

Шунингдек, эко шаҳарда 204 та 21 минг 660 хонадонли кўп қаватли уй-жой қурилиши белгиланган. Бундан ташқари, янги массивда 10 та мактабгача таълим ташкилоти, 6 та

замонавий умумтаълим мактаблари, оилавий поликлиника, масжид ҳамда спорт-соғломлаштириш мажмуалари бунёд этилади. 15 дан ортқ маъмурий идоралар қад ростлайди, "Кичик санаот зонаси"да эса 17 та лотлар ажратилади.

"Янги Ўзбекистон боғи"нинг қурилиши учун эса 60 млрд сўм маблағ ажратилиши назарда тутилган. Шулар баробарида бу ерда туризмин янада юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, "Япон меҳмонхонаси", "Япон боғи" ва "Савдо мажмуаси" ҳам барпо этилмоқда.

Боланинг бегонаси бўлмади

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўтган йили Фурқат туманида "Меҳрибон қалб" ва "Мурғак қалблар" номли оилавий болалар уйлари фаолиятини бошлаган эди.

30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгаши депутатлари ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг ҳуқуқ

ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, улар учун оилавий шароитларга яқинлаштирилган ҳолатлар яратиш мақсадида муассасага бориб, болалар билан самимий суҳбат қуришиб, уларга байрам кунлари кўтаринки кайфият улашдилар.

– Болаларнинг бегонаси бўлмади, – деди "Меҳрибон қалб" номли болалар уйи раҳбари Хуррият Комилова. – Фарзандларимиздан бор меҳримизни,

таълим-тарбиямизни аямаймиз. Уларнинг қамоли ва истиқболи йўлда эзгу ва улғу мақсадларимизни ният қилганмиз. Депутатларимизнинг муассасамизга ташрифи болаларнинг кўнглини тоғдай кўтарди.

Шу куни оилавий меҳрибонлик уйларига депутатлар томонидан иккита нақшнор сўри, хонатахта ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳада қилинди.

Гиёҳвандлик аср иллати

Вилоятнинг олис Сўх туманидаги чегара ҳудудида жойлашган Сариканда қишлоғидаги ёшлар етакчиси Ҳайитбой Ҳасанов бошчилигида туман миқёсида тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилди.



Авалло гиёҳвандлик воситалари билан шугулланиш мамлакатимизда қонун билан таъқиқлангани ва жиноятга жазо муқаррарлиги ёшларга тушунтирилди. Шунингдек, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва бошқа салбий иллатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи тамойилларини шакллантириш борасидаги тарғибот ҳамда тушунтириш ишларини ҳар бир маҳалла ва ёшлар жамоаларида мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди.

Тадбир ёшларнинг гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақидаги билим ва тушунчаларини бойитиш билан бирга ана шу иллатга нисбатан муросасиз курашишга ундади.

Қатортолда янги шифо маскани

Бундан уч йиллар олдин тиббиётда ислохот, дея жойлардаги қишлоқ врачлик пунктлари ёпилиб кетганди. Натижада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида талай муаммо ва қийинчиликлар туғилди. Сектор раҳбарларининг жойларда ўтказган қатор сайёр қабулларида фуқаролар бу муаммо бўйича кўп мурожаат қилганларидан сўнг, туман ҳокимлиги бу муаммони тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти билан келишган ҳолда илҳомий ҳал қилишга астойдил киришди. Натижада Ёзёвон туманидаги собиқ тўртта қишлоқ врачлик пунктлари қайта тикланадиган бўлди.

Яқинда Қатортол маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қишлоқ врачлик пункти қайта очилди ва аҳолининг озу-сушди.

– ҚВП ишга тушиши билан бу ерда беш ўринли кундузи шифохона, лаборатория, зарурат бўлганда беморларга бериладиган 120 хил турдаги дори-дармон ва тиббиёт буюмлари, автоклав, катта ҳамшира, кичик тиббиёт ходимлари, қоровул шатлари ташкил этилди, – деди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Тошмуҳаммад Саримсақов. – Эндиликда ҳудуд аҳолиси фалон қақирим йўл босиб, туман марказий шифохонаси ва поликлиника бормади.

Қорақалпоғистон Республикаси
Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат
инспекцияси жамоаси

Қадрли юрtdошлар,
барfанизни
Қурбон ҳайити
билан табриклаймиз.
Қалбинизга
хотирfамлик,
оиланизга
фаровонлик
тилаймиз!



Андижон вилояти
Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат
инспекцияси жамоаси

Озод юртимизнинг обод манзилларида
истиқомат қилаётган азиз юрtdошлар!
Барfанизни муборак байрам —
Қурбон ҳайити билан табриклаймиз!



Сурхондарё вилояти
Қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси
жамоаси

Мусулмон халқининг энг уфал айёми бўлмиш
Қурбон ҳайити барfанизга муборак бўлсин.
Қалбинизни поклик ва эзгулик асло тарк этмасин.
Юртимиз тинч, ҳаётимиз осуда бўлсин.
Муборак ойда барfа эзгу ниятлариниз
амалга ошсин.



Навоий вилояти
Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат
инспекцияси жамоаси

Қалбларга қувонч, дилларга шодлик
улашувчи энг улуғ ва энг азиз
байрамлардан бири —
Қурбон ҳайити билан барfанизни
табриклайди!




**Самарқанд вилояти
Қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси
жамоаси**

*азиз ва бунёдкор халқимизга
Қурбон ҳайити
байрами муборак бўлсин.
Хонадонинизга фойзу барака,
ўзинизга саломатлик
хамроҳ бўлсин!*



**Наманган вилояти
Қурилиш соҳасида ҳудудий нazorat
инспекцияси жамоаси**


*Барга мусулмон
аҳлини
Ийдул-Азҳо —
Қурбон ҳайити
билан муборакбод
этамиз!*



*Қалбларимиз фойзу
илоҳий шукҳга тўлиб
туфган ушбу улғу кунда
юртимиздаги
барга мўмин-мусулмонларни,
бутун халқимизни тинчлик,
шукфонатлик, меҳр-оқибат ва саховат
рамзи бўлган муборак
Қурбон ҳайити билан табриклаймиз.*

**Жиззах вилояти
Қурилиш соҳасида ҳудудий нazorat
инспекцияси жамоаси**

*Қалбларга имон, дилларга
соқинлик бахш этувчи
қадрли айём билан
барғаннизи муборакбод этамиз.
Хонадонингиз тинч-осойишта,
ҳаётингиз эса фаровон бўлсин.*



**Фарғона вилояти
Қурилиш соҳасида ҳудудий нazorat
инспекцияси жамоаси**



ТОҒ БАҒРИДА ЗАВОД ҚУРИЛГАЧ

Сурхондарёда цемент муаммоси ҳал бўлди



Усмонали НОРМАТОВ,
журналист.

Бугун Сурхондарё вилоятининг қайси ҳудудига борманг, кенг қўламли қурилишларга гувоҳ бўласиз. Қўп қаватли уй-жойлар, кўркам ва муҳташам иморатлар, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, маъмурий бинолар бунёд этишда қурилиш материалларига талаб кун сайин ошиб бормоқда. Воҳа қурувчилари яқин-яқингача айрим қурилиш ашёсини Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятларидан темир йўл орқали ёки махсус автомашиналарда келтирарди. Албатта, бошқа жойдан олиб келинадиган хомашё нархига транспорт харажатлари ҳам қўшилади. Бу эса хоҳлайсизми, йўқми, маъсулот баҳосига таъсир кўрсатади.

Сурхондарёдаги қурилишлар нархини арзонлаштириш, харажатларни камайтириш, жумладан, цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида анча йиллар изланишлар олиб борилган. Геологларнинг саъй-ҳаракати билан Қўхитанг тоғи этакларида оҳақтош, гипс ва бошқа ер ости бойликлари захираси мавжудлиги аниқланди ва тоғдаги Вандоб қишлоғида цемент заводи қуришга киришилди. 2016-2018 йиллар давомида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 42 миллион 600 минг АҚШ доллар эквивалентдаги ўз маблағи ҳамда банкдан олинган кредит ҳисобига Туркия, Россия ва Италиядан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган умумий қиймати 212 миллион 800 минг АҚШ долларлик цемент заводи қуриб битказилди. Йилга 1,5 миллион тонна маъсулот ишлаб чиқариш қувватига эга заводга биринчи қатламда малякали мутахассислар зарур эди. Шеробод туманидан ёшлар жалб этилиб, Жиззах цемент заводида амалиёт ўташ учун юборилди. Ҳозир корхона цехларида 1100 киши меҳнат қилмоқда.

Корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Сардор Ортиқов ҳамроҳлигида иш жараёни билан танишдик. Хомашё тайёрлаш Вандоб оҳақтош конидан бошланади. Ер ости бойликларини аниқловчи мутахассисларнинг айтишича, қонда 60 йилга етadиган оҳақтош захираси бор. Бу жойдан заводнинг майдалаш цехига оғир юк машиналари билан соатига 800 тонна оҳақтош келтирилади. Мазкур цехда ўрнатилган икки роторли болгалар ёрдамида оҳақтошлар майдаланади. Сўнг Шеробод туз кони атрофидан олиб келинадиган гипс, Оқтош қишлоғидан олиб келинадиган гил туپроқ ва шлак ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг темир қириндиси билан аралаштирилиб, пишириш цехига ўтказилади. Бир қанча бошқа элементлар қўшилган ярим тайёр маъсулот эни 4,8 метр, узунлиги 68 метрли доимий айланб туравериш печда 1450 даража иссиқликда пиширилади. Совитилган аралашма шарли тегиримонда ундек майин бўлгунча эзилади. Тайёр цемент кучли ҳаво



босимида махсус қуварлар орқали ҳар бирининг сизими 5 минг тонналик идишларга жойланади.

Италиянинг венто-мантик технологияси билан жиҳозланган қадоқлаш цехидаги усуналар ёрдамида идишлардаги цемент аэрозол — ҳаво йўли орқали компрессорлар ёрдамида сурилиб, полипропилен қопларга солинади. Қоплар оғзи тикилгач, тасмали транспортёр воситасида омборларга жўнатилади. Зарурат бўлганда, қадоқлаш цехидаги иккинчи линия орқали тайёр маъсулот махсус машиналар ёки вагонларга юкланади. Цехда барча жараён автоматлаштирилган. Инсон омили аралашмагани учун ҳар бир қопга белгиланган миқдорда цемент солиниб, қадоқланади. Ақли аппаратлар йиртилган ёки сифатсиз тикилган қопларни тасмали транспортёрдан олиб, йиртиқ қоплардаги цемент ортга қайтарилади.

— Уттиз ёшга кирдим, икки фарзандим бор, — деди цемент қадоқловчи Фаррух Оролов. — Қизилолма қишлоғимиз тоғда жойлашгани учун эркаклар қорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланса, хотин-қизлар хунармандлик билан банд. Лекин ҳаммамнинг ҳам доимий иши йўқ. Шу сабаб рўзгор фаровонлигини таъминлашни ўйлаб, тўрт йил четда ишлашга мажбур бўлдим. Аммо ўз уйингда, фарзандларинг ёнида бўлганга нима етсин? Қишлоғимизга яқин жойда цемент заводи қурилганидан хурсандимиз. Ҳозир бир-



гина бизнинг қишлоқдан 50 нафардан кўпроқ тенгдошим шу корхонада ишлаяпти. Маошимизни вақтида олиб турибмиз.

Айни дамда заводда ишлаб чиқарилаётган 400 маркали цементнинг харадорлари кўп. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги истеъмолчиларга 400 минг тоннадан ортқ цемент етказиб берилди. Маъсулот биржа савдолари орқали сотилмоқда.

Заводда тўрт сменада иш ташиқил этилган. Ишчиларга бепул иссиқ оёқат берилди. Яқин атрофдаги қишлоқлардан қатновчиларга автобус ажратилган. Бошқа туманлардан келиб ишловчиларга 400 ўринли ётоқхонада барча шароит муҳайё. Етачки мутахассисларга эса уй берилган. Ходимлар учун кутубхона, спорт майдончалари, маънавият хонасида барча қўлайлик мавжуд. Ёз ойлари ишчиларнинг фарзандлари касабга уюшма маблағи ҳисобидан "Бешбулоқ — Сурхон — Шеробод" оромгоҳида дам олади. Ишчилар таътилга чиққанда эса Олмалиқ кон-металлургия комбинатида қарашли санаторийларга юборилади.

Завод директори ўринбосари Собир Нишоннинг айтишича, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 4 миллион. Бундан ташқари, ҳар бир байрамда мукофотлар берилади. Манфаатдорлик жамоани катта ютуқлар сари руҳлантиришмоқда.

Корхона атрофидаги ободонликни

қуриб, кишининг ҳаваси келади. Ўтган йил кузи ва шу йил баҳорида завод ҳудудидаги 8 гектар бўш ерга 5 минг түп мевали ва манзарали дарахт кўчати, турфа гуллар ўтказилди. Ёш ниҳол ва гуллар томчилатиб сугорилмоқда. Бир гектар майдонда Хитой технологияси асосида иссиқхона қуриб битказилди. Келгусида замонавий иссиқхонада лимон ва эртаки сабзавотлар етиштирилади.

Маъсулотни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиш мақсадида 40 километр масофага темир йўл қурилиб, Болдир станциясига уланди. Жарқўрган туманидаги "Марказий Сурхон-500" подстанциясида 85 километр узунликда алоҳида линия тортилди. Завод билан Шеробод туманининг "Таллашкон" СИУ ҳудудидаги газ тақсимлаш пункти ораллигидаги 37,5 километр масофага қуварлар ётқизилиб, табиий газ олиб келинди.

— Замонавий технологияларни барча соҳаларда фаол жорий этиш талаби қўйилмоқда, — деди Шеробод цемент заводи директори Эшмат Муродов. — Корхонамизда жорий йилдан бошлаб энергияни тежашга ўтдик. Ишлатилаётган ҳар бир ускуна Европа стандартларига мослиги эвазига хомашё тайёрлаш жараёнида пайдо бўладиган чанг-ғуборлар атроф-муҳитга зарар етказмайди. Муҳими, корхонамизда мавжуд энергоблоқда иккиламчи чиқинди иссиқликдан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқарилади. Яъни фойдаланилган газнинг тафти осмонга чиқиб кетмайди-да, қайта фойдаланиш ҳисобига энергия ҳосил қилинади. Бошқача айтганда, цемент ишлаб чиқаришда печдаги иссиқлик қайта ишланади ва бу ҳосил қилинади. Сўнг бу қуварга йўналтирилади. Натижада генератор харақатга келиб, ундан электр энергияси ҳосил бўлади. Шу кеча-кундузда заводимиздаги энергоблоқ ёрдамида соатига 6 минг киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариляпти. Шу пайтгача корхонамизда "Марказий Сурхон-500" подстанциядан соатига 20-25 минг киловатт электр энергияси олиб ишлатган бўлсак, энергоблоқимизда ҳосил қилинадиган энергия ҳисобига энергия истеъмолчи 14 минг киловатт соатгача тежалди. Ёки электр энергияси истеъмолчи 30 фоизгача камаяди. Натижада бунинг ҳисобидан кунига 60 миллион сўмдан ошқиб маблағ тежамолдамиз. Шубҳасиз, бу ишлаб чиқарилаётган цемент таннари арзонлашишига ижобий таъсир кўрсатапти.

Шерободнинг тоғли қишлоғида цемент заводи ишга туширилиши шу ҳудудда яшаётган минглаб одамларнинг даромади кўпайиб, турмуши фаровон бўлишига ёрдам бермоқда.

БИНО-ИНШОТЛАР КАДАСТРИ ВА ЕР КАДАСТРИ: қайси бири муҳим?

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги тегишли қарори билан "Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида"ги низом ҳамда "Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланган.



Давлат ер кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, ерларнинг табиий, ҳўжалик, ҳўқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиймати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборатдир.

Давлат ер кадастри ерларни ҳисобга олиш, ер участкаларига бўлган ҳўқуқлар кафолатлигини таъминлаш, ернинг табиий ҳоссаларини, ердан фойдаланишни ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш мақсадида юритилади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастри ҳудудий принцип бўйича ташкил этилади ва объектларнинг ҳўқуқий, ҳўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисидаги маълумотлар тизимини ташкил этади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастри бинолар ва иншоотлар мулкдорлари ва бу объектлардан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳўқуқларини, шунингдек, бинолар ва иншоотларга эгаллик ҳўқуқи ва бошқа ашёвий ҳўқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун ахборот тизими ёрдамида рақамли шаклда давлат тилида юритилади.

Давлат ер кадастри ҳамда Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бир-бири билан узвий боғланган ва доим бир-бирини тўлдириб туради.

Албатта дастлаб ер участкаси вузудга келади, бунда ерларнинг табиий, ҳўжалик, ҳўқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиймати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар тўпланади. Шундан сўнг, вузудга келган ер участкасида бино-иншоотлар вузудга келади.

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ

нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

2022 йил 9 август кунини ўз ичига олган, 12-ўйда бўлиб ўтадиган очик аукцион савдога қуйидаги таъмирталаб ҳолатдаги қишлоқ ҳўжалиги техникаси қўйилмоқда:

"Узгосервис" АЖнинг 2022 йил 23 майдаги 3-сонли қарори ва "Хоразм Агроинтехника МТП" МЧЖнинг 2022 йил 5 июлдаги 01/100-31-сонли хатига асосан Урганч шаҳар, Санаятчилик кўчаси, 1-а уйда сақланаётган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 711 DA бўлган "CLAAS MEGA" 204 русумли комбайн, бошланғич баҳоси — 226 211 101 (икки юз йигирма олти миллион тўрт юз ўн бир минг бир юз бир) сўм.

Юқоридаги қишлоқ ҳўжалиги техникаси 2022 йил 9 августдаги очик аукцион савдога сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 31 август кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз.

Аукцион савдога қатнашиш истагида бўлган талабдорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган

ҳўжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдога қатнашиш истагида бўлган хариддорлар закат шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 5 (беш) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Гаров пули қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ "Ипотека-банк" Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кундан бошлаб 5 (беш) кун мuddат ичида олди-сотида шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: 91-421-00-88.
Расмий веб-сайт: www.koss.uz

4621 рақамли гувоҳнома.



Жоникбек ҚУЗИМУРДОВ (ЎЗА) олган суратлар.

(“Янги Ўзбекистон” газетасидан олинди).

Райхона ХУЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугун юртимизда ёшларга ҳар доимидан кўра кўпроқ эътибор берилётгани барча соҳаларда яққол кўзга ташланмоқда. Уларнинг ўз ташаббус ва иқтидорларини амалга ошириши, билим ва малакасини кўрсатиши учун барча имконият яратилган. Айниқса, сўнгги йилларда барча давлат идора ва ташкилотларида айнан ёш кадрларнинг раҳбар сифатида фаолият юритиши ҳам юртимизда уларга кўрсатилаётган эътиборнинг бир нишонасидир. Қолаверса, айнан ёшларни рағбатлантириш, уларнинг иқтидорини муносиб эътироф этиш мақсадида давлатимиз томонидан бир қатор мукофотлар таъсис этилган.

Яқинда Ёшлар куни муносабати билан юртимизнинг бир қатор фаол ва ташаббускор ёшлари Президент фармонида кўра ана шундай юксак мукофотни қабул қилиб олишди. Хусусан, мамлакатимизда ёш авлодни кўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, билим ва салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намойён этиб, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан Янги Ўзбекистон тараққиётига, унинг шон-шухратини жаҳон миқёсида янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган ташаббускор ва етакчи ёшлар "Келажак бунёдкори" медалига сазовор бўлишди.

Улар орасида мақоламини қаҳрамони, "Боштранслейоҳа" акциядорлик жамиятининг Мейор курилиш бўлими лойиҳалар бош муҳандиси Бекзод Рузиев ҳам бор.

Бекзод 1991 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 2014 йилда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг "Био ва иншоотлар қурилиши" йўналишини имтиёзли диплом билан тамомлаган.

ЛОЙИҲАЧИЛАР АВЛОДИНИНГ ДАВОМЧИСИ

2014 йилда Беруний номли давлат стипендиясига сазовор бўлган Бекзод Рузиев 2016 йилда ТАҚИнинг "Био-лар ва иншоотлар қурилиши, қурилиш конструкциялари, махсус жиҳозлар ва муҳандислик тизимлари монтажи" мутахассислиги бўйича магистр даражасини эгаллади. 11 йилдан буён у ўз соҳаси бўйича турли ташкилотларда муҳим вазифаларни бажариб келмоқда.

2016 йилдан буён ҳозирга қадар у транспорт бўйича бош лойиҳа қидирув институти – "Боштранслейоҳа" акциядорлик жамиятида ишлаб, юқори малакали ёш муҳандис сифатида мустақиллик йилларида мамлакатимиз темир йўли ва автомобиль транспорти тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ҳозирга қадар Бекзод Рузиев бошчилигида 10 дан ортиқ мураккаб лойиҳа ишлари тайёрланиб, қурилиш жараёнига татбиқ этилган. Хусусан, Тошкент Жанубий темир йўли вокзалини қайта қуриш, "Тошкент-Шарқий" аэродроми негизидаги фуқаролик (ишбилармонлик) авиацияси замонавий аэропорт комплексини қуриш, Мўйноқдаги аэропортни, Самарқанд, Термиз шаҳарларидаги халқаро аэропортларни қайта қуриш, Тошкент шаҳрида ер усти метрополитен линияси қурилиши каби муҳим лойиҳаларни яратишда гуруҳ раҳбари сифатида иштирок этди.

Бундан ташқари, у Тошкент давлат транспорт университети ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институти мутахассислари билан яқиндан ҳамкорликни амалга ошириб, талабаларга амалиёт жараёнида ўз касбининг сирасорларини ҳам ўргатиб келмоқда. Ҳамкасбарларнинг таъкидлашича, Бекзод ишига бўлган муносабати, қизиқувчанлиги, тезкорлиги, жонқурлиги ва ҳозиржавоблиги билан корхонада катта кичикнинг ҳурматини қозониб улгурган. Унинг бундай ташаббускорлиги "Боштранслейоҳа" АЖДА фаолият юриётган бошқа ёш ходимларга ўрнак ва мотивация бўлиб хизмат қилаётганини эса алоҳида таъкидласак, арийдим.

Ёш бўлишига қарамайдан бугун жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб улгурган қаҳрамонимиз мамлакатимизда транспорт тизимида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва инновацион ғояларни кенг тарғиб қилишда ҳам фаол. Ибратли оила аъзоси, икки нафар фарзанднинг меҳрибон отаси Бекзоднинг лойиҳачилик соҳасини танлаши эса бежиз эмас, албатта. Ўзи айганидек, бу касб унга аждодларидан ўтиб келётган маънавий меросдир.

– Соҳага кириб келишимнинг илк сабаби, лойиҳачилар оиласида таваллуд топганидир, – деди Бекзод фахр билан. – Чунки оилада мен учинчи авлод лойиҳачисман. Бу соҳада меҳнат қилишни раҳматли бўвман – Абдувосиқ Рузиев бошлаб берган. Илк касбий кў-



никмаларни устозим ва холам Мафура Рузиева ҳамда тоғам Рустам Рузиевдан олганман. Холам узоқ йиллар мобайнида Тошкент темир йўли муҳандислари институтида талабаларга дарс берган. Айни пайтда ҳам етакчи лойиҳа ташкилотларида малакали муҳандис сифатида фаолият юритиб келаяпти. Тоғам эса ўз ишини оддий муҳандисликдан бошлаб, ҳозирги кунда юртимизнинг етакчи лойиҳа ташкилотларининг бирида раҳбар сифатида ватанимиз равнақи учун ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Холам менга қурилиш конструкцияларини ҳисоблашнинг сир-асорларини ўргатган ва ҳозирга қадар маслаҳатларини аямал келмоқда. Албатта, ушбу касбга кириб келишимга энг асосий сабаблар – менга тарбия, билим ва шайит яратиб берган ота-онамдир. Бугун неки ютуққа эришган бўлсам, барчаси уларнинг меҳнати туфайли.

Ҳар бир инсон ҳаётида ота-она энг асосий ўринни эгаллашни барчамиз

яшли биламиз. Улардан сўнг бизга таълим берган устозлар, ҳамкасблар ва фаолиятимиз давомида ўз маслаҳатини аямасдан малакали кадр бўлиб етишимизга ҳисса қўшаётган инсонлар бўлади. Улар туфайли олган билимларимиз ҳаётда мустақамланиб, тажрибамиз ортиб бораверади. Ҳудди шунингдек, лойиҳачилар авлодининг давомчиси Бекзод Рузиевга оила аъзоларидан ташқари, "Боштранслейоҳа" акциядорлик жамиятидаги фаолият давомида техник директор Ҳасан Маликов ва лойиҳалар бош муҳандиси Ойбек Расулєвлар ҳам устозлик қилиб, соҳанинг сир-асорларини ўргатиб келмоқда.

Ҳали ёш бўлишига қарамай, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, ота-онаси ҳамда устозларининг ишончини оқлаб келётган Бекзод яқинда юксак мукофотга сазовор бўлди. Шахсан юртимизнинг ўзи унинг кўксига "Келажак бунёдкори" медалини тақиб қўйди. Биз Бекзоднинг айна шу думлардаги кечинмалари билан қизиқдик.

– Тақдирлаш пайтида муҳтарам Президентимизнинг айтган ўғитлари умрбод ёдимдан чиқмайди ҳамда бу сўзлар менга доимо куч ва илҳом бахш этади, – деди у. – Биз ёшларга билдирилаётган юксак ишончини оқлаш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, янада кўпроқ ўқиб, изланиб, замонавий билимларни ўзлаштирамиз. Ўрганганларимизни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали барча соҳаларни янада такомиллаштиришга ўз ғояларимиз билан фаол қатнашамиз. Юртимизимиз таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистонни биргалликда бунёд этиш биз ёшлар учун олий шарафдир.

Дарҳақиқат, шу муқаддас заминни асраб-авайлаш, меҳнаткаш халқимизнинг орзу-умидларини рўйга чиқариш, юртимизни дунёнинг тараққий этган давлатлари қаторига олиб чиқишдек шарафли ишда Бекзод каби шижоатли ёшларга бугун катта ишонч билдирилмоқда. Ўйлаيمизки, улар бу ишонч ва масъулиятли вазифани шараф билан удалашади.



Тошкент шаҳридаги ерусти халқа метросининг 2-босқичида қурилаётган 10-бекат.



Мўйноқ аэропорти.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Букрни гўр тўғирлайди (ми?)

Лутфилла МАМАРАЖАБОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Жиззах вилояти
Дўстлик тумани суди раиси.
Абдусаттор ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилган Эркинбой Элдоров (исм-шарифлари ўзгартирилган) қурувчи корхоналарга ҳавас қилиб, "Обод маҳалла қурилиш" МЧЖни ташкил қилди. "Ҳавас" жумласини бежизга келтирмадик. Зеро, чин дилдан ҳаракат қилган киши ишга шу жиҳатдан ёндашади.

Бироқ у фаолиятининг дастлабки кунидан ноқонуний йўлни танлайди. Натижанда 2004 йили Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг ҳукми билан тўрт ярим йилга озодликдан маҳрум қилинади. Давлатимизда инсон қадрли олий даражага кўтарилган, қолаверса, унинг тавба-тазарулари ҳамда оиласида вояга етмаган фарзандлари борлиги инобатга олиниб, 2005 йилда амнистия қарори сабаб жазодан озод қилинади.

Аслида, билмасдан хатоликка йўл қўйган кишига давлатимиз томонидан кўрсатилган бундай ғамхўрлик қинғирлик фаолиятини яна давом эттириш эмас, балки тўғри йўлга қайтиш учун берилган имкониятдир. Лекин Эркинбой кабилар боши деворга тегса ҳам кўзи очилмайдиган хилдан экан. Орадан ҳеч вақт ўтмасдан Жиноят ишлари бўйича Янгиобод тумани судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан шу кодекснинг 57-моддасига асосан 2 794 500 сўм жарима жазосига тортилади. Кейинроқ, жиноят ишлари бўйича Зафаробод тумани судининг ажрими бўйича жарима жазоси ЖКнинг 44-моддаси билан 6 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилади.

Ноқонуний ишларни амалга ошириш бўйича нафси ҳақалак отган бу инсон тавбасига таяниш ўрнига, биллиб туриб, жиноятларни содир этавегани оқибатида яна тўрт марта суднинг қора курсига ўтириб, жазога маҳкум қилинади ва охири, 2015 йилнинг 2 мартда озодликка чиқади.

– Энди бу ёғига нима қилсам экан? – дея ўйлаб турганида хаёлига келган фикрдан ҳўшёр тортади. – Ахир номимда масъулият чекланган жамиятим борку, ундан самарали фойдалансам, ҳаётим изига тушади, ҳамёним ҳам пулга тулади.

Ана шу ўй-хаёллар оғушида яна қинғир ишларни бошлаб юборади. Мақсадига эришиш учун шу жамиятнинг иш бошқарувчиси Собир Равшановни (исм-шарифи ўзгартирилган) ўзига шерик қилиб олади.

Шу мақсаддаги дастлабки "мижози" Дўстлик тумани, Ғофир Ғуллом номидаги МФЙ, Мингчорон кўчаси, 5-уйнинг 14-хонадонида яшовчи, кўп вақтдан буён уй-жойга муҳтож бўлиб юрган фуқаро Муҳаммад Исмоилов бўлди. 2020 йилнинг 2 ноябрида уни алдаб, "Обод маҳалла қурилиш" МЧЖ томонидан туманининг "Чинобод" МФЙ ҳудудида уй-жойлар қурилиши режалаштирилганини, шу уй-жойлардан бирини унга беришини айтиб, "мижоз"ни ишонтириб, ҳақиқатда эса бўлмаган ва кейинчалик ҳам қурилмаган уй учун ундан 25 млн сўмини олиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади.

Ҳамирдан қил суғургандай иш силлиқ битганидан руҳланган Эркинбой жиний фаолиятини давом эттириб, бу гал маэкур тумандаги "Янгиҳаёт" МФЙда рақамсиз ҳовлида яшовчи фуқаро Гулбахор Раҳматовани қармоғига илинтиради ва юқоридаги вақтини такрорлаб ундан, катта миқдордаги, яъни 25 млн сўм ва 500 АҚШ долларини олиб, жуфтаникни розлайди. Шу каби "Чинобод" МФЙ, С. Раҳимов кўчаси, 9-уй, 7-хонадонда яшовчи фуқаро Робия Нурибоева ҳам фирибгарнинг ваъдаларига лаққа тушиб йиллар давомида меҳнати эвазига йиққан 25 млн сўмини ўз қўли билан унга топширади.

Амалдаги қонунларимизни назарга илмаган Э. Э. ва С. Рлар ўзларининг жиний ҳаракатларини давом эттириб, "Обод маҳалла қурилиш" МЧЖ ниқоби остида "Мевазор" МФЙ, Ҳ. Олимжон кўчаси, 7-уй, 1-хонадонда яшовчи Музаффар Худайровнинг уй-жойга муҳтожлигини эшитиб, унинг хонадонига ташриф буюришади.

– Жамиятимиз кўп квартиралли уйлари қураётган эди, бироқ давлатдан ажратилган маблағ вақтида етиб келмапти. Шу сабабли уйга зарурандлар бўлса, улардан қарз олиб, қурилишни тезроқ тугатмоқчимиз, ажратил-

ган маблағ келса, янги уйнинг умумий баҳо-сидан чегирамиз, – деган сўзларига ишонган Музаффар ҳам 25 млн сўмини фирибгарларга бериб, сўнгра бундан қаттиқ пушаймон бўлди.

Шу сингари, "Мевазор" МФЙ, Беруний кўчаси, 2-уй, 1-хонадонда яшовчи Маҳкамбой Жўраев Чинобод маҳалласи ҳудудидан уй-жойли бўламан деб уйнинг тезроқ қуриб битказилишига умид қилиб 24 млн сўм, Ғ. Ғуллом номидаги МФЙ, Нурафшон кўчасидаги рақамсиз ҳовлида яшовчи Аслиддин Қутиматов сотувга қўйган 300 млн сўмлик мулкни, аввало, шундай қурилиш корхонаси бор ёки йўқлиги, бўлса, ростдан ҳам айтилган манзилда бунёдкорлик ишлари бажарилаётгани билан қизиқиб кўрмасдан ҳаводан топиб олгани сингари пулларини бериб юборишга, қонун-қоидаларимиздан ҳануз хабардор эмаслигини кўрсатади.

Фирибгарлар ўз мақсади йўлида ҳеч нарсдан қайтмаслигини мана бу мисолдан ҳам кўриш мумкин. Хабарингиз бор, давлатимиз кам тавминланган, боқувчисини йўқотган ва турар жойга муҳтожларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатяпти, узоқ муддатли кредитлар асосида уйлар қуриб берапти. Бу ташаббус айниқса, 2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурида янада кенг қамраб олинди. Дўстлик туманидаги Саноатчилар маҳалласидаги Ҳамза кўчасида жойлашган ётоқхонада яшовчи Барчин Мавлонова ва Дилдора Ҳайтова ҳам неча йиллардан буён уй олиш илнинга келаётганлардан. Дастур доирасида қуриладиган уйлардан уларга ҳам ажратилиши тўғрисидаги хабардан воқиф бўлган аёллар ётоқхонага ташриф буюрган кишилар қурувчилар эмас, учига чиққан фирибгарлар эканини қаердан билишарди. Сохта қурувчиларнинг "бошланғич тўловга", деган ваъдаларига ишониб, минг бир азобда йиққан 41 млн сўм пулни қандай қилиб беришганини ўзлари ҳам англамай қолишади.

Халқимизда "Кўза кунда эмас, кунда синида", деб бежиз айтилмаган. Одамларни алдаб, шу йўсинда яшайман, деганлар хато қилиши ва қонунларимиз устуворлигини Жиноят ишлари бўйича Дўстлик тумани судида фирибгарлар иши юзасидан ўқилган ҳукм яна бир бор эслатиб қўйди. Жиноятчилар қилган айбларига яраша тегишли жазоларни олишди.

ТУГИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Июль ойининг шу кунларида
таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси бош мутахассиси **Хайрулло Ибрагимов**, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Азизбек Адхамов**, ижро интизомини ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис **Мухлис Мирходжаева**, бош юрисконсулт **Муҳаммаджон Мўминжонов**,

Андижон вилояти, Олтинкўл тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Бегзодбек Раҳматуллаев**,

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-сано лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лабораторанти **Азим Ғаниев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Алибек Каибберганов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари инспекцияси", ДУК Қорақалпоғистон Республикаси филиали бухгалтер **Арислан Джаксимов**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Навоий вилояти филиали бош мутахассиси **Ўткир Нуралиев**,

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Жаҳонгир Ташпулатов**,

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси юрисконсулти **Шерзод Қиямов**, Пайариқ тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Улуғбек Қуватов**, Нуробод тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Суннатулложон Усанов**,

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Бекзод Аҳматов**,

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Даврон Холиқов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали етакчи мутахассиси **Тимур Нурметов**,

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Раҳимбой Матчанов**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборокаб этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр,
оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ
тилаймиз!



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магмуров,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қўдратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Абдусаттор Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Маҳмамов**

Мусаҳҳих **Марҳамат Муслимонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наширёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсанотқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎЗГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

10001, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
руйхатга олинган.

Нашр индекси – 466.
Буюртма – Ғ743.
1928 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар
тақриб қилинмайдиган ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –

А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Хужаева.

ЎзА якуни – 22.28.
Топширилди – 23.28. 1 2 3 4 5 6

Қурбон ҳайити нишонлашни
муносабати билан 2022 йил
11-12 июль дам олиш кунини,
деб эълон қилишни сабаби газетамизнинг
ушбу сонини 12 июль кунини
режалаштирилган сони билан
қўйилган ҳолда чоп этилмоқда.
Газетамизнинг келгуси сони
2022 йил 15 июль кунини чиқади.